

- pul, kredit va budjet soliq siyosati vosita (mablag')larini o'z ichiga oluvchi iqtisodiy munosabatlarini davlat tomonidan boshqarilishini tartibga solish tizimi.

Manba va foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Muziyayevning 2020 yil 24 yanvardagi Parlamentga Murojaatnomasi. lex.uz
2. Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili Davlat Dasturi. lex.uz
3. Болтабоев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. Туризм:назария ва амалиёт. -Т.: "Баркамол файз медиа" нашриёти 2018 й.70-б.
4. Porter, M. E. Clusters and the new economics of competition. Harvard Business Review, 76(6), 77-90, 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида"ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
6. Рузметов Ш., Саидов О., Бахтияров Ш. Развитие смежных отраслей и вспомогательных производств региона на базе местного предпринимательства. "Орол бўйи зонасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий-экологик муаммолари" мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Нукус, 2015 йил 6-7 май.
7. Эгамов Б., Бахтияров Ш. Минтақада машинасозлик ва енгил саноат корхоналарида аутсорсинг хизматларини ташкил этиши. Республиканская научно-методическая конференция молодых учёных ТерДУ 31 марта-1 апреля 1-часть Термиз 2017.
8. Худайбергенов Ж., Бахтияров Ш. Минтақа қурилиш индустриясида иқтисодий самарали ва экологик омиллардан фойдаланиш имкониятлари. Республиканская научно-методическая конференция молодых учёных ТерДУ 31 марта-1 апреля 1-часть Термиз 2017.
9. Hukumat portali - www.gov.uz
10. "O'zbekiston Havо Yo'llari" Milliy Aviakompaniyasi - www.uzairways.com
11. O'zbekiston Respublikasi Tashqi Ishlar Vazirligi - www.mfa.uz/eng
12. O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari Vazirligi - www.madaniyat.sport.uz
13. www.uzbektourism.uz
14. www.wikipedia.org
15. www.worldbank.org
16. www.wto.org
17. www.ziynet.uz

ХАЛҚАРО ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ДИНАМИКАСИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ



https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a58

Астанақулов Олим Таштемирович -
 DSc, проф., Ўзбекистон халқаро ислом академияси
 Ислом иқтисодиёти ва молияси кафедраси мудири
Сохибова Муслимахон Холматжон қизи -
 Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
 магистрант

Аннотация. Туризм халқаро истисодий фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. У нафақат мамлакат, балки айрим минтақалар иқтисодиётида салмоқли ўрин эгаллайди. Халқаро туризм пандемиядан энг кўп зарар кўрган тармоқлардан бири бўлиб, пандемия даврида туристик хизматларга талаб сезиларли даражада камайди. Ушбу мақолада халқаро туристик хизматлар ривожланиши динамикаси, пандемиянинг саноатга таъсири ва пандемиядан кейинги ҳолати ўрганилди, соҳадаги тенденциялар таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: халқаро туризм, туристик хизматлар, COVID-19, халқаро туризм статистикаси, туризм.

АНАЛИЗ ДИНАМИКИ И ТЕНДЕНЦИЙ РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ТУРИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ

Астанақулов Олим Таштемирович -
 д.э.н., проф., Международная исламская академия Узбекистана
 Заведующий кафедрой "Исламская экономика и финансы"
Сохибова Муслимахон Холматжон кизи -
 Магистрант, Международная исламская академия Узбекистана

Аннотация. Туризм является одним из основных элементов внешнеэкономической деятельности. Он занимает важное место в экономике не только страны, но и некоторых регионов. Международный туризм является одним из секторов, наиболее пострадавших от пандемии, и спрос на туристические услуги во время пандемии значительно снизился. В данной статье изучена динамика развития международных туристических услуг, влияние пандемии на отрасль и постпандемическая ситуация, проанализированы тенденции в сфере.

Ключевые слова: международный туризм, туристические услуги, COVID-19, статистика международного туризма, туризм.

ANALYSIS OF THE DYNAMICS AND TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF INTERNATIONAL TOURISM SERVICES

Astanakulov Olim Tashtemirovich -*DSc., Professor, International Islamic Academy of Uzbekistan**Head of "Islamic Economics and Finance" Department***Sokhibova Muslimakhon Xolmatjon kizi -***Master student, International Islamic Academy of Uzbekistan*

Abstract. *International tourism activity has grown and stabilized significantly over the past few decades in terms of tourist numbers and tourism receipts, providing about 10 percent of total employment. In 2020, the international tourism industry faced a major crisis due to the worldwide pandemic. International tourism is one of the industries most affected by the pandemic, with demand for tourism and hospitality services significantly reduced. This article describes the dynamics of the development of international tourism services, the impact of the pandemic on the industry and the post-pandemic situations and analyses trends in the field.*

Keywords: *international tourism, tourism services, COVID-19, international tourism statistics, tourism.*

Кириш. Туризм жаҳон иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бўлиб, аҳолининг иш фаолиятини ҳордиқ олиш орқали маънавий тикланишига бўлган эҳтиёжларини қондириб, аҳоли турмуш сифатининг ошишига хизмат қилади. Туризмнинг эътиборли жиҳатларидан бири шуки, мазкур соҳа ҳеч қандай табиий ресурсларнинг камайиб кетишига олиб келмай, балки миллий иқтисодиётнинг тараққий этишига олиб келади. Дунёдаги 190 дан ортиқ давлатнинг қарийб 150 тасининг иқтисодиётида туризм ўз ўрнини эгаллаган. Мамлакатда туризмни ривожлантириш нафақат савдо, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади, балки иқтисодий қайта қуришнинг энг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади.

Халқаро миқёсдаги жараёнларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир мамлакат туризмни ривожлантиришга интилаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бироқ туризм айрим мамлакатларнинг диверсификация қилинган йирик иқтисодиётидан жой эгалласа, баъзи мамлакатларнинг асосий даромад манбаи эканлигини ҳам инобатга олиш лозим. UNWTOнинг 2021 йилги маълумотларига кўра, туризмнинг айрим мамлакатлар ялпи экспортидаги улуши қуйидагича тақсимланган: Макао – 87 %, Мальдив ороллари – 85,3 %, Хорватия – 38 %, Грузия – 37,2 %, Арманистон – 27,5 % ва ҳоказо [12].

Халқаро туризм саёҳат қилиш кенгаши (The World Travel & Tourism Council, WTTC) ва Oxford Economics билан олиб борган тадқиқотлари 2023 йилда туризмнинг жаҳон иқтисодиётига таъсирига бағишланди. Ҳисобот натижаларига кўра, глобал туристик тармоғи жорий йилда 9,5 трлн. долларга етиб, пандемия даврига қадар 2019 йилдаги кўрсаткич салмоғидаги атиги 5 фоизли даражага етмаслиги ҳамда бу кўрсаткич туризмнинг ўша даврдаги улушга яқинлашганлиги прогноз қилинди [13]. Демак, дунё мамла-

катлари томонидан олиб борилаётган туризм секторини ривожлантириш дастуруламаларининг реал амалиётда ўз натижасини бераётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда туризм секторини барча минтақаларда ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги ПҚ-135-сонли “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинганлиги ҳам мамлакатимизда бу соҳага катта эътибор қаратилаётганлиги ҳамда турли туризм бўйича дастурларнинг ишлаб чиқиётганлигидан дарак беради. 2022 йил 24 августда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Туризм соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш – устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади” [11], деган фикрларни таъкидлайди. Жаҳон кўламида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиб бораётганлиги ва халқаро туристик хизматлар кўпгина давлатлар иқтисодиётининг муҳим даромад манбаига айланиб бораётганлиги мазкур соҳани янада тадқиқ этиш муҳим эканлигини кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Туристик хизматлар соҳасини янада ривожлантиришнинг турли назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар, турли экспертлар илмий ишлари ҳамда ҳисобот маърузаларида муҳим тадқиқот предмети сифатида тадқиқ этилган.

Жумладан, хорижлик олимлар О.В.Шпырня [1] “Халқаро туризм хизматлари бозорининг ривожланиш тенденциялари” мақола-сида туристлар оқимининг кириб келишини кўпайтириш, туристларга хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитларни яратиш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш, туристик индустрияни ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳамда

халқаро туризм бозори ривожланишининг статистик таҳлилини амалга оширган, асосий урғун эса Россиядаги ҳолатга қаратган. Э.Н.Толонов ва С.А.Омурзаков [6] ўзининг “Қирғизистон Республикасида халқаро туризм бозори ривожланиш стратегияси” номли мақоласида халқаро туризм бозорининг асосий шартлари ва салоҳияти умумлаштирилган ва гуруҳлаштирилган, унинг функциялари тизимлаштирилиб, эволюцион ривожланиш омиллари таснифланган, шунингдек, халқаро туристик бозор қисман таҳлил қилинган. В.М.Кицис ва Л.А.Пониматкина [7] “Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда халқаро туризмнинг замонавий тенденциялари” мақоласида туризмни давлат томонидан тартибга солишнинг мазмуни, туризм соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг устувор йўналишлари, воситалари ва усуллари, соҳани самарали ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва қулай рақобатчилик муҳитини шакллантириш йўналишлари ҳамда замонавий туризм бозорининг ривожланиш тенденцияси илмий асосларини ёритган, бироқ пандемия ва унинг таъсирини тўлиқ таҳлил қилмаган.

Сўнгги йилларда чоп этилган маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ҳам диққатга молик. З.И.Усмонова томонидан эълон қилинган илмий ишларда туристик рекреацион хизматларнинг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган [3]. Ж.Н.Абиев миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этган [4]. Ш.Р.Рузиев томонидан тарихий-маданий туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва уни такомиллаштириш масалалари ўрганилган [5].

Таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда халқаро туристик хизматлар динамикаси таҳлили ва туризм индустриясини ривожлантириш, туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва жозибador муҳитни шакллантириш масалалари иқтисодчи олимлар ўртасида қисман баён этилган. Бизнингча, ҳозирги вақтда халқаро туристик хизматларнинг ривожланиш динамикаси таҳлилини олиб бориб, соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсати самарадорлигига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иши давомида кузатиш, қиёслаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилди. Хусусан, ўндан ортиқ миллий ва хорижий адабиётларда мазкур мавзуга доир тадқиқотлар ўрганиб чиқилди ва таҳлил этилди. Мавзуга доир бугунги кундаги тенденция баҳоланди. Статистик маълумотлар таҳлили амалга оширилди. Халқаро туристик хизматлар жозибadorлигини шакллантиришнинг SWOT-таҳлили ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифаси шахснинг ҳар тарафлама ривожланиши, шахсий мукаммаллашуви, унинг маданий ва маънавий камол топиши бўлиб қолди. Ушбу жараённинг муҳим элементи туризмни ривожлантириш бўлиб, у инсоннинг ҳар тарафлама ривожланишида унинг эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашади. Жаҳон туризмнинг тараққий этиши умумжаҳон интеграциялашув ва глобаллашув жараёни билан уйғунлашмоқда, барча даражалардаги халқаро ҳамкорликнинг муҳим воситасига айланмоқда.

Глобаллашув жараёнлари шундан далолат бермоқдаки, туризм халқаро хизматлар савдосининг бир йўналиши сифатида замонавий ижтимоий тараққиётнинг ажралмас қисмидир [8]. Халқаро туризм бозори мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қудратли омили сифатида майдонга чиқмоқда ҳамда хорижий киритмалар оқимини, аҳоли бандлигини оширишни, унинг турмуш даражаси яхшиланишини, шахслараро алоқаларнинг кенгайишини таъминламоқда. Халқаро алоқаларнинг кенгайиши маданий-тарихий, табиий мерос ёдгорликларини сақлаш ва асраб-авайлаш масалаларини ҳал қилгани ҳолда, янги йўналишларни очади, иқтисодиёт тузилмасининг диверсификациясига таъсир кўрсатади.

Туризм индустрияси, ривожланишни тезлаштирувчи дастак сифатида, юқори мултипликатив самара ҳисобига ўзига боғлиқ бўлган транспорт ва алоқа тизимига, қишлоқ хўжалиги ва савдога ҳам таъсир кўрсатади [9]. Халқаро туризмнинг қанчалик ривожланганлиги кўплаб табиий-иқлимий, руҳий-эстетик, тарихий-маданий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирига, яъни аҳоли даромадининг ошишига, туристик расмиятчиликларнинг (чет эл паспортлари, визаларни расмийлаштиришдаги қийинчиликлар, божхона қоидалари, валюта назорати, валюта айирбошлаш, санитария қоидалари, мамлакатга кириб-чиқиш, чет мамлакатда бўлиш ва ҳаракатланиш масалаларининг) оптималлашувига, транспорт хизматини кўрсатиш даражасининг ошишига, таътиллар муддатининг ошишига, давлатлараро таъсирлашувнинг чуқурлашишига ва ҳоказоларга боғлиқ.

Халқаро туризм бозорининг ҳозирги ҳолати, уни ривожлантириш муаммолари ва истиқболларини ўрганиш учун туристик оқимларни таҳлил қилиш керак. Бу ерда олти туристик минтақаларни ажратиш мумкин – Европа, Америка, Осиё-Тинч океани, Африка, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ минтақалари. Уларнинг ҳолати тегишли минтақага кирган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги даражасига боғлиқ. Чунончи, Европа минтақаси Ғар-

бий, Шимолий, Жанубий, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шу жумладан, собиқ СССР республикаларини қамрайди ҳамда Исроил, Кипр, Туркияни ҳам ўз ичига олади. Америка минтақаси Шимолий, Жанубий, Марказий Американи ўз ичига олади ҳамда Кариб денгизи ҳавзасидаги орол давлатлари ва ҳудудларини ҳам қамрайди. Осиё-Тинч океани минтақасига Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Австралия ва Океания киради. Африка ва Жанубий Осиё минтақасига Африка мамлакатлари (Миср ва Ливиядан ташқари) ҳамда Жанубий Осиё мамлакатлари киради. Яқин Шарқ кичик минтақаси Ғарбий ва Жануби-Ғарбий Осиёни,

Миср ва Ливияни бирлаштиради.

Халқаро туристик хизматларнинг ривожланиши динамикаси ва тенденцияларини қуйидаги йўналишларда таҳлил қиламиз:

– халқаро туристларнинг мамлакатга кириб келиши қўламлари динамикаси ва тенденцияларини таҳлил қилиш;

– хорижлик туристлардан тушадиган даромадларнинг кўпайиши динамикаси ва тенденцияларини таҳлил қилиш.

Қуйида халқаро туристларнинг мамлакатга кириб келиши қўламлари динамикаси ва тенденцияларининг таҳлилини келтирамиз.

1-жадвал

2013-2022 йилларда халқаро туристларнинг кириб келиши қўламлари динамикаси [14]

млн. киши

| Кўрсаткич | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 |
|--------------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Европа | 566,8 | 580,3 | 604,9 | 619,3 | 671,1 | 716,0 | 744,5 | 241,9 | 304,7 | 584,9 |
| Шимолий Европа | 67,2 | 70,8 | 69,8 | 73,8 | 77,6 | 81,0 | 83,7 | 23,3 | 21,0 | 68,7 |
| Ғарбий Европа | 170,8 | 174,5 | 181,5 | 181,5 | 193,4 | 200,2 | 205,1 | 83,5 | 87,7 | 178,1 |
| Марказий-Шарқий Европа | 127,8 | 120,1 | 122,2 | 126,9 | 133,3 | 146,2 | 151,7 | 46,7 | 57,2 | 90,1 |
| Жанубий Европа ва Ўртаер денгизи | 201,0 | 214,9 | 231,4 | 237,1 | 266,8 | 288,6 | 303,9 | 88,3 | 138,7 | 248,0 |
| Осиё ва Тинч океани минтақаси | 249,9 | 264,4 | 284,0 | 305,8 | 323,7 | 346,5 | 359,6 | 59,2 | 24,8 | 84,4 |
| Шимоли-Шарқий Осиё | 127,0 | 136,3 | 142,1 | 154,3 | 159,3 | 169,2 | 170,3 | 20,3 | 11,2 | 17,7 |
| Жануби-Шарқий Осиё | 94,5 | 97,3 | 104,2 | 110,8 | 120,1 | 128,6 | 138,0 | 25,5 | 2,9 | 34,9 |
| Океания | 12,5 | 13,2 | 14,3 | 15,6 | 16,6 | 17,0 | 17,5 | 3,6 | 0,8 | 6,2 |
| Жанубий Осиё | 16,0 | 17,6 | 23,4 | 25,1 | 27,7 | 31,7 | 33,8 | 9,8 | 9,9 | 25,5 |
| Америка | 167,6 | 181,7 | 193,7 | 200,8 | 206,6 | 216,0 | 219,3 | 69,8 | 81,4 | 142,4 |
| Шимолий Америка | 110,2 | 120,9 | 127,5 | 130,9 | 133,0 | 142,2 | 146,6 | 46,5 | 57,0 | 92,1 |
| Кариб минтақаси | 21,2 | 22,2 | 24,1 | 25,2 | 26,3 | 25,8 | 26,3 | 10,3 | 14,2 | 22,0 |
| Марказий Америка | 9,1 | 9,6 | 10,2 | 10,7 | 11,1 | 10,8 | 10,9 | 3,1 | 4,7 | 8,6 |
| Жанубий Америка | 27,2 | 29,1 | 31,9 | 33,9 | 36,2 | 37,2 | 35,4 | 9,9 | 5,5 | 19,6 |
| Африка | 54,7 | 54,9 | 53,5 | 57,6 | 62,1 | 68,7 | 68,8 | 18,4 | 19,4 | 45,0 |
| Шимолий Африка | 20,7 | 20,4 | 18,0 | 18,9 | 21,4 | 24,1 | 25,6 | 5,6 | 6,6 | 19,1 |
| Жанубий Сахро Африкаси | 30,4 | 34,4 | 35,5 | 38,7 | 40,7 | 44,6 | 43,2 | 12,9 | 12,7 | 25,8 |
| Яқин Шарқ | 49,1 | 52,4 | 57,0 | 55,6 | 58,3 | 65,5 | 73,0 | 19,8 | 24,7 | 60,3 |
| Халқаро | 1088 | 1134 | 1193 | 1239 | 1322 | 1413 | 1465 | 409 | 455 | 917 |

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, 2013-2020 йилларда халқаро туристик кириб келишларда ижобий динамика кузатилган. Бундай натижалар аксарият туристик йўналишларда барқарор ўсиш ва аввалги йилларда пасайиш кузатилган йўналишларнинг тикланиши билан изоҳланади. Пандемия даврида кўрсаткичлар сезиларли қисқарганлигига қарамай, 2020-2022 йиллар оралиғида ҳам уларнинг ўсганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Халқаро туристик кириб келишларининг умумий тузилмасида энг катта улуш Европага тўғри келган, кейинги ўринларни Осиё, Тинч океани минтақаси ва Америка эгаллаган. Энг кичик улуш эса Яқин Шарқ ва Африкага тўғри келган.

Жаҳон туристик хизматлар бозорининг 2013-2022 йиллар кесимида халқаро туристик

кириб келишлар бўйича энг оммалашган асосий давлатлар – Франция, АҚШ, Испания, Хитой, Италия, Туркия, Германия, Буюк Британия, Россия, Мексика. Ушбу мамлакатларнинг етакчи ўринларга чиқишига қатор омиллар таъсир кўрсатди, булар:

1) туристик мавсумнинг узоқ давом этишини белгилаб берувчи географик қулай жойлашув ва табиий иқлим шароитлари;

2) маданий-тарихий мерос қўламларини акс эттирувчи тарихий, меъморий ёдгорликларнинг мавжудлиги; юқори сифат даражасида хизмат кўрсатиш;

3) маҳаллий аҳоли, кичик бизнес корхоналарининг хорижий тилларни билиш, туристик имкониятларни реклама қилиш асосида туристлар билан таъсирлашуви;

4) туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар ўтказиш [10].

Халқаро туризмда ҳудуд ҳосил қилувчи омилларга қуйидагилар киради:

туризм нуқтаи назаридан географик жойлашувнинг асосий хусусиятлари (туристик бозорларга ва қабул қилувчи минтақаларга нисбатан жойлашуви, сиёсий жиҳатдан беқарор ҳудудлар қўшни давлатлар, шунингдек, туристларнинг асосий қисми фойдаланадиган коммуникациялар ўтадиган давлатлар билан муносабатлари ва шу кабилар);

табиат хусусиятлари, иқлим шароитларининг мақбуллиги, рекреацион ресурсларнинг кўплиги ва турли-туманлиги, улардан фойдаланиш имкониятлари ва қулайликлари; ҳудудда табиий ва маданий-тарихий асори-атиқаларнинг кўплиги, уларнинг асосий туризм зоналари ва марказлари билан ўзаро уйғунлашуви; табиий ва маданий-тарихий ёдгорликларнинг туристларнинг асосий қисми ва истиқболли мижозлар учун жозибдорлиги даражаси; ҳудуднинг мавжуд коммуникацияларга нисбатан қулайлиги; туристларнинг ушбу ҳудудга етиб келиши ва қайтиши харажатлари; саёҳат учун туристлар молиявий харажатларининг умумий даражаси; туристик инфратузилманинг ривожланганлиги (ҳудуднинг жойлашиш воситалари, транспорт, алоқа воситалари, овқатланиш корхоналари, савдо ва ҳ.к.);

сервис даражаси ва туристларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг малакаси;

ҳудуднинг туристларни қабул қилиш учун сиғими; ички сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, криминоген вазият нуқтаи назаридан туристлар

учун хавфсизлик даражаси; экологик вазият нуқтаи назаридан хавфсизлик даражаси;

умумий иқтисодий ривожланиш даражаси, туризм ва меҳмондўстлик туризми индустрияси ни яратиш ва янада ривожлантириш учун меҳнат ресурслари, моддий воситалар ва молиявий имкониятлар билан таъминланганлик; ҳудуднинг туризм бозорида тутган ўрни, яъни ушбу туманга келадиган туристлар сони ҳамда келгусида шундай туристлар оқимини таъминлаш учун мавжуд шарт-шароитлар;

ҳудудга ташриф буюрадиган хорижлик мижозлар таркиби; мазкур туманда туризмга хос асосий хусусиятлар (мавсумийлик, давомийлик, туризмнинг устун турлари, ташрифларнинг асосий мақсади ва ҳ.к.);

ҳокимият идоралари ва маҳаллий туристик ташкилотларнинг туризм муаммоларига муносабати; туризмнинг мазкур ҳудуд учун иқтисодий аҳамияти (туризмдан бюджетга тушумлар миқдори, туристик инфратузилмани ривожлантиришга харажатлар, туризмнинг бошқа иқтисодиёт тармоқлари тузилмасидаги ўрни ва ушбу тармоқлар билан ўзаро ҳамкорлиги, туризмнинг маҳаллий аҳоли бандлигига таъсири, туризмдан умумий иқтисодий самара).

Ушбу барча омилларнинг туристик ҳудудларни шакллантириш учун аҳамияти бир хил эмас. Ушбу омилларнинг таъсири турли комбинацияларда намоён бўлади.

Қуйида хорижлик туристлардан келадиган даромадлар динамикаси ва тенденцияларини таҳлил қиламиз.

2-жадвал

2013-2021 йилларда хорижлик туристлардан келадиган даромадлар динамикаси [14]

млрд. АҚШ доллари

| Кўрсаткич | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|--------------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Европа | 492,1 | 509,3 | 449,8 | 449,4 | 520,3 | 570,5 | 584,1 | 249,2 | 327,0 |
| Шимолий Европа | 74,8 | 81,3 | 77,4 | 76,7 | 87,6 | 94,7 | 95,2 | 41,0 | 50,7 |
| Ғарбий Европа | 167,1 | 171,1 | 145,7 | 145,2 | 164,7 | 180,5 | 179,1 | 99,1 | 105,2 |
| Марказий-Шарқий Европа | 60,7 | 57,7 | 50,4 | 52,6 | 60,7 | 68,4 | 69,0 | 28,5 | 34,6 |
| Жанубий Европа ва Ўртаер денгизи | 189,5 | 199,2 | 176,2 | 174,9 | 207,2 | 226,9 | 240,8 | 80,5 | 136,4 |
| Осиё ва Тинч океани минтақаси | 360,3 | 377,4 | 355,0 | 370,6 | 439,1 | 480,8 | 441,2 | 126,1 | 90,4 |
| Шимоли-Шарқий Осиё | 184,9 | 198,1 | 167,1 | 169,2 | 168,1 | 189,9 | 187,2 | 44,9 | 44,6 |
| Жануби-Шарқий Осиё | 107,8 | 107,5 | 108,6 | 116,2 | 130,7 | 144,4 | 146,9 | 31,0 | 10,6 |
| Океания | 42,9 | 44,7 | 47,7 | 51,3 | 57,4 | 61,0 | 61,4 | 32,7 | 20,3 |
| Жанубий Осиё | 24,7 | 27,2 | 31,6 | 33,8 | 39,9 | 43,6 | 45,7 | 17,5 | 14,9 |
| Америка | 264,2 | 273,9 | 306,0 | 313,1 | 330,4 | 338,1 | 330,5 | 125,3 | 139,7 |
| Шимолий Америка | 204,5 | 210,9 | 239,7 | 243,6 | 257,1 | 263,4 | 253,3 | 97,0 | 103,1 |
| Кариб минтақаси | 24,5 | 27,1 | 28,5 | 30,2 | 31,8 | 33,7 | 34,9 | 14,5 | 21,7 |
| Марказий Америка | 9,4 | 10,2 | 11,4 | 12,1 | 12,5 | 11,3 | 12,6 | 4,0 | 6,0 |
| Жанубий Америка | 24,9 | 25,7 | 26,3 | 27,2 | 29,0 | 29,8 | 29,6 | 9,8 | 8,9 |
| Африка | 35,5 | 36,4 | 32,6 | 33,6 | 36,4 | 38,3 | 39,2 | 15,0 | 17,2 |
| Шимолий Африка | 10,2 | 10,6 | 8,9 | 9,0 | 9,9 | 10,7 | 11,2 | 5,4 | 6,0 |
| Жанубий Сахро Африкаси | 25,3 | 25,8 | 23,7 | 24,6 | 26,4 | 27,6 | 27,9 | 9,6 | 11,2 |
| Яқин Шарқ | 45,2 | 49,2 | 58,7 | 58,0 | 68,4 | 72,6 | 98,7 | 43,2 | 62,3 |
| Халқаро | 1197 | 1246 | 1202 | 1225 | 1352 | 1458 | 1494 | 559 | 637 |

Халқаро туристик хизматлар жозибадорлигини шакллантиришнинг SWOT-таҳлили

| Кучли томонлар | Заиф томонлар |
|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> - жаҳонда ва минтақалар бўйича бозор улушининг юқорилиги; - аҳолининг ташқи ва ички туризмни ривожлантиришдан манфаатдорлиги; - доим янги хизматларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; - ҳар йили хизматлар сифатининг яхшиланиб бориши; - туристик хизматларнинг, жаҳон бозори иштирокчиларининг юқори даражада ахборотлаштирилганлиги, бу ахборот-коммуникация тизимларини динамик ривожлантириш натижасидир; - бой табиий-ресурс потенциали ва алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг мавжудлиги; - бой тарихий-маданий мерос; - мамлакат туристик индустриясини ривожлантириш учун концептуал асоснинг мавжудлиги; - ривожланиб бораётган иқтисодий ва маданий халқаро алоқалар; - ахборот-туристик марказлар фаолияти; - бой меҳмондўстлик анъаналари, туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатишнинг бой анъаналари; - туризмнинг ҳар хил турларини ривожлантириш учун қулай шароитлар мавжудлиги; - етарлича сонда мутахассисларни тайёрлаш учун илмий ва таълим олиш салоҳияти; - қулай экологик вазият; - барқарор ижтимоий-иқтисодий ҳолат; - туристик хизматларни улар истеъмол қилиш жойининг ўзида энг кам сарф-харажатлар билан ишлаб чиқаришни асослайдиган минтақавийлик; - туристик афзалликларнинг кутбйлашуви – оммабоп ва индивидуал туризм турларининг ривожланиши; - янги трансмиллийлашув шакллари, хусусан, вертикал шаклнинг ривожланиши, туризм бизнесига транспорт, банк, суғурта, реклама, саноат ва савдо компанияларининг кириб бориши бундан далолат беради; - туристик хизматлар билан бирга турдош тармоқлар хизматларининг ҳам кўрсатилиши ҳамда туристик хизматлар бозорининг бошқа бозорлар билан ўзаро алоқаларининг кучайиши тенденцияси билан тасдиқланадиган диверсификация жараёни; - кичик ва ўрта улгуржи туристик корхоналар кооперацияси, у йирик туристик фирмалар билан кескин рақобат шароитида умумий сиёсатни ишлаб чиқиш учун бирлашиш зарурати билан белгиланади | <ul style="list-style-type: none"> - табиий салоҳиятнинг нотекис тақсимланиши, иқлим шароитлари туристик хизматларнинг мавсумийлигини белгилаб беради; - хизматларни олиб кириш ва олиб чиқишнинг амалий имконсизлиги; - миллий ва халқаро бозорларда туристик маҳсулот нархининг баландлиги; - тор ихтисослашув, хизматларни кўрсатишнинг индивидуаллаштирилиши, ошиб бораётган рақобат оқибати сифатида хизматлар сифатига талабнинг ошиши; - чиқувчи ва кирувчи туризмни ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омилларнинг етишмаслиги; - туризм индустриясида малакали мутахассисларнинг етишмаслиги; - соҳанинг маълум эмаслиги, маркетинг тадбирларининг камлиги; - туристик индустрияни ривожлантиришда ҳудудий мутаносибликлар; - ноқулай экологик вазият; - беқарор ижтимоий-иқтисодий ҳолат |
| Имкониятлар | Таҳдидлар |
| <ul style="list-style-type: none"> - мазкур бозорда талабнинг доим ўсиши ва янги мижозлар пайдо бўлиши; - хизматлар бозорининг ривожланиши ҳисобига иқтисодий салоҳиятнинг ошиши; - туристик маҳсулотни диверсификация қилиб бўлмаслиги; - туризмнинг ҳар хил турларини ривожлантириш учун доимий ишланмалар; - туристик инфратузилмани инвестициялар жалб қилиш ҳисобига ривожлантириш мумкинлиги; - жаҳон инфратузилмасининг юқори қобиляти, бу янги технологик ва ишлаб чиқариш ечимларини тез татбиқ этиш имконини беради; - иқтисодиётнинг барча секторларида хизматлар сифатининг яхшиланиши; - дунё миқёсида товарлар бозори позицияларининг заифлашиши ва хизматлар бозори даврининг гуллаб-яшнаши; - иқтисодий ўсиш бошланганда, жадал ривожланиш ҳамда умуман, халқаро хизматлар бозорида талаб даражасининг тикланиши; - тарихий ва маданий мерос объектларига боришга барқарор талаб мавжудлиги; - туристик хизматлар истеъмолчиларининг ахборот воситаларидан фойдаланиш даражасининг доимий ўсиши ва компьютерлик савдоҳонлиги даражаси; - кластерга кирган фирма ва тармоқлар унумдорлигининг ошиши – инновацион салоҳиятнинг кенгайиши, янги инновацион бизнес-лойиҳаларнинг яратилиши; - янги туристик йўналишлар ва туристик лойиҳаларнинг, шу жумладан, ҳамма мавсумлар учун ишлаб чиқирилиши; - таклиф этиладиган хизматлар спектининг кенгайиши, хизмат кўрсатиш сифати ва туристлар хавфсизлиги даражасининг яхшиланиши | <ul style="list-style-type: none"> - бозорда янги хизматларнинг пайдо бўлиши; - хизматлар сифатига бозор талабларининг ошиши; - ҳар хил хизматлар турларига бўлган талаб характерининг ўзгариши; - мамлакатда ва дунёда иқтисодий вазиятнинг ёмонлашиши оқибатида ишбилармонлик фаоллигининг пасайиши; - инвестицион ресурслар учун курашда рақобатнинг кучайиши; - туризмни ривожлантириш учун яроқли ҳудудлардан фойдаланишнинг муқобил усуллари мавжудлиги; - туристик хизматлар бозорида мавсумий ва бошқа омиллар таъсирида талабнинг беқарорлиги; - туристик фаолиятни тартибга солишга оид қонунчиликнинг номуқамаллиги; - туризм соҳасига малакали мутахассислар ва ходимларни жалб қилишдаги жиддий қийинчиликлар; - тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш чораларининг етарли эмаслиги оқибатида уларнинг емирилиши; - туристик маҳсулот сифатининг пастлиги ва бир хиллиги |

2-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, 2013-2019 йилларда хорижлик туристлардан олинган даромадларда ижобий динамика кузатилган. Хорижлик туристлардан олинган даромадларнинг умумий тузилмасида энг катта улуш Европага тўғри келади. Кейинги ўринларни Осиё ва Тинч океани минтақаси эгаллайди. Хорижлик туристлардан олинган даромадларнинг умумий тузилмасида энг кичик улуш Африка ва Яқин Шарққа тўғри келади.

Халқаро туристик хизматлар бозори ривожланиши динамикаси ва тенденцияларини, шунингдек, туристик хизматлар бозори жозибадорлигини ошириш бўйича амалий тавсияларни шакллантириш шарт-шароитларини таҳлил қилишнинг умумлаштирилган натижалари SWOT-таҳлил матрицаси кўринишида тақдим этилган (3-жадвал).

SWOT-таҳлил натижалари халқаро туристик хизматларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини тараққий эттириш ва туризмни қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Халқаро туристик хизматлар бозорининг ривожланиш динамикаси таҳлили туризм саноати жаҳон иқтисодиётининг ажралмас қисми эканлиги ва динамика замонавий тенденциялар билан боғлиқлигини яққол кўрсатади. Тенденция таҳлили пандемияда даврни алоҳида таҳлил қилишни талаб этади. Мазкур даврда туристлар оқими камайиши, бандлик ва туризмдан келиб тушадиган даромаднинг кескин қисқаргани аниқланди. Ушбу пасайишга қарамай, 2030 йилга келиб, халқаро туристик ташрифлар сони 2030 йилга 1,8 миллиардга ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Жаҳон сайёҳлик хизматлари бозори ривожланишининг ҳозирги тенденциялари қуйидагилардан иборат:

– юқори динамика (ўртача йиллик ўсиш суръати ва валюта тушумларидаги ўсиш);

– транспорт, банк, суғурта, реклама, савдо ва саноат компанияларининг сайёҳлик бизнесига кириб боришидан далолат берувчи трансмиллийлаштиришнинг янги шакллари ривожланиши;

– туристик хизматлар билан бир қаторда турдош тармоқларнинг маҳсулот ва хизматларини тақдим этишнинг доимий тенденцияси ва туризм хизматлари бозори ва бошқа бозорлар ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши билан белгиланган диверсификация жараёни;

– кичик ва ўрта чакана туризм корхоналарининг ҳамкорлиги, бу йирик сайёҳлик агентликлари билан кучли рақобат шароитида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш учун бирлашиш зарурати билан боғлиқ;

– туристик хизматлар бозори иштирокчиларининг юқори ахборотлашуви;

– ихтисослашувнинг торайиши, хизматлар кўрсатишнинг индивидуаллашуви, рақобатнинг кучайиши натижасида сифат талабларининг ошиши.

Шундай қилиб, хулоса қилишимиз мумкинки, туристик хизматларга бўлган талабга ҳам, таклифга ҳам бир хил даражада тегишли бўлган динамик ривожланиш ва ўзгаришлар халқаро туризмнинг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтганидан далолат беради, бунинг айрим тадқиқотчилар глобал жамиятнинг ривожланиши йўлида дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва тўсиқларни ҳам ҳисобга олиш керак. Умумлаштирилган ҳолда шуни қайд этиш лозимки, бутун дунёда кузатилган инқироз ва харид қобилиятининг пасайишига қарамай, туризм жаҳон иқтисодиётининг муҳим сектори бўлиб қолмоқда. Унинг ривожланиши интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви тўртки бўла олади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шпырня О.В. Тенденции развития международного рынка туристских услуг. // Научный вестник Южного института менеджмента. 2018. №. 1. С. 62-66.
2. Қаюмов А.А., Адиллов Б.Б. Жаҳон туризмнинг Ўзбекистонда ривожланиш тенденциялари. // Экономика и финансы (Ўзбекистан), 2 (134), (2020): 29-35.
3. Усманова З.И. Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Самарқанд, 2018 й. 17-19-б.
4. Абиев Ж.Н. Миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Самарқанд, 2019 й. 11-14-б.
5. Рузиев Ш.Р. Ўзбекистонда тарихий-маданий туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Самарқанд, 2019 й. 8-12-б.
6. Толонов Э.Н., Омурзаков С.А. Стратегия развития международного туризма в Кыргызской Республике. // Устойчивое развитие: анализ тенденций российской и мировой экономики. 2023. С. 285-289.
7. Кицис В.М., Пониматкина Л.А. Развитие и развивающиеся страны в международном туризме: современные тенденции. // Вестник РМАТ. 2022. №. 2. С. 117-125.

8. Abdurakhmanova G.K. et al. *Tourism 4.0: opportunities for applying Industry 4.0 technologies in Tourism*. // *Proceedings of the 6th International Conference on Future Networks & Distributed Systems*. 2022. С. 33-38.
9. Астанакулов О., Фойишназаров С. "Туризм 4.0": "Саноат 4.0" технологияларини туризм соҳасида қўллаш имкониятлари: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a51. // *Iqtisodiyot va ta'lim*. 2022. Т. 23. №. 3. С. 330-337.
10. Астанакулов О., Сохибова М. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув шароитида халқаро меҳмонхоналар тизимининг ривожланиши. // *Общество и инновации*. 2022. Т. 3. №. 1. С. 49-56.
11. <https://yuz.uz/news/yangi-samarqand-voqelikka-aylangan-orzu>
12. <https://www.unwto.org/tourism-data/international-tourism-and-covid-19>
13. <https://www.atorus.ru/node/52405>. Мировой туризм в 2023 году восстановится на 95 %. Этому помогут китайские туристы.
14. https://webunwto.s3.eu-west-1.amazonaws.com/s3fs-public/2022-09/UNWTO_Barom22_05_Sept_EXCERPT.pdf?VersionId=pYFmf7WMvpcfjUDuhNzbQ_G.4phQX79q



**ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТУРИЗМ ВА УНИНГ САЛОҲИЯТИДАН
ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ БАЪЗИ
МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ**

Махмудов Собир Худойбердиевич -
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
"Туризм" кафедраси доценти, Phd

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a59

Аннотация. Мақолада тарихий-маданий туристик объектлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш муаммолари баён қилинган ва уларни ечими борасида таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: туризм салоҳият, даромад, ялпи ички маҳсулот, меҳнат унумдорлиги, самарадорлик, модернизация, ишчи кучи, меҳнат бозори, тарихий объект, туристик ресурслар.

**НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОГО ТУРИСТИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА**

Махмудов Собир Худойбердиевич -
Доцент кафедры "Туризма", Phd,
Самаркандканского института экономики и сервиса

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы определения эффективности использования объектов историко-культурного туризма и предлагаются предложения по их решению.

Ключевые слова: туристический потенциал, доходы, валовой внутренний продукт, производительность труда, эффективность, модернизация, рабочая сила, рынок труда, исторические объекты, туристские ресурсы

**SOME PROBLEMS AND SOLUTIONS FOR DETERMINING THE EFFECTIVENESS OF THE USE OF
HISTORICAL AND CULTURAL TOURIST POTENTIALS**

Makhmudov Sobir Khudoyberdiyevich -
Samarkand Institute of Economics and Service
Associate Professor of the Department of Tourism, Phd

Abstract. The article reviews problems of determining the efficiency of use of objects of historical and cultural tourism and proposes relevant solution.

Keywords: tourism potential, income, gross domestic product, labor productivity, efficiency, modernization, workforce, labor market, historical site, touristic resources

Кириш. Туризм иқтисодиётнинг ўта даромадли ва уни жадал суръатларда ривожлантиришга қодир муҳим тармоғидир. Туризм жаҳон иқтисодиётида энг тез ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. У нефтни қайта ишлаш саноати ва машинасозликдан сўнг катта даромад келтирадиган учликнинг бири ҳисобланади. Туризм иқтисодиётга бир неча муҳим йўналишларда ижобий таъсир кўрсатади: биринчи-

дан, хорижий валюта оқимини таъминлаш, тўлов баланси ва ялпи экспорт каби иқтисодий кўрсаткичларни ўстириш; иккинчидан, аҳоли бандлигини ошириш; учинчидан, мамлакат инфратузилмасининг ривожланишини жадаллаштириш. Бугунги кунда туризмда ва унга билвосита ҳамда бевосита хизмат кўрсатувчи тармоқларда дунё ишчи кучи ресурсларининг 60 фоизи меҳнат билан банд. Халқаро туризм таш-